



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 17 ноябрь, № 232 (6926)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат иқтисодийтини жадал ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ислохотлар ва аҳоли сонининг ўсиб бориши ичимлик сувига юқори талабни, ундан оқилона фойдаланиш заруратини, шунингдек, республиканинг сув ресурслари чекланган шароитда замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишни тақозо қилади.

Шу билан бирга, тўпланиб қолган тизимли муаммо ва камчиликлар дебитор қарздорликни камайтиришга, тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва тармоқнинг янада ривожланишига тўсиқ бўлмақда. Жумладан:

Биринчидан, сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сарфлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги, оқибатда унинг етказиб берилиши, тўловлар ўтказилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги таъминланмаётгани;

Иккинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан, жумладан менежмент ва дебитор қарздорлик ундирувини ташкил этиш масалаларининг самарасиз бошқарилиши тармоқнинг тўлиқ зарар билан ишлашига олиб келмоқда;

Учинчидан, водопровод ва канализация тармоқлари, сув таъминоти объектларининг эскирганлиги, кўпчилигидан қирқ йилдан ортиқ фойдаланилиши, шунингдек, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги, айниқса, жойларда кўпга исрофгарчилик ва аварияларга, сувни етказишда катта

йўқотиш ҳамда узилишларга олиб келмоқда;

Тўртинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг электр энергияси учун қарздорлиги юқори даражада;

Бешинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари ходимларининг касбга тайёргарлик даражаси паст, малакали кадрлар тизимдан чиқиб кетган, ушбу соҳадаги ходимлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари мавжуд.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича таъсирчан чораларнинг кўрилмаслиги аҳолини сув билан барқарор таъминлаш масаласини ҳавф остига қўяди, сув ресурсларидан ўта нооқилона фойдаланилишига олиб келади ва замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишга тўсиқлик қилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини туздан такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

суддан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш; сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

суддан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган сув ҳамжи ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш; аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича тақлифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни

суд истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш; сувни сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирок этиш.

2. Белгилансинки, Бюро ва унинг ҳудудий бўлиmlарига ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини туздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5059-сон Фармони 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқлар берилди.

3. Белгилаб қўйилсинки, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида:

а) Бюро қуйидагилар учун жавобгардир: сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш; суддан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган сув ҳамжи ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш; аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича тақлифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни

жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

б) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги қуйидагилар учун жавобгардир: водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан тузилган шартномаларга мувофиқ сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатилишини, истеъмолчиларга сув барқарор етказилишини таъминлаш; водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати ахборотлар, дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан сув таъминоти объектлари, водопровод ва канализация тармоқларининг ҳолати, эксплуатацияси ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш; истеъмолчиларга ўрнатилган сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг алмаштирилиши, ўрнатилиши ва эксплуатация хизмати кўрсатилишини, шунингдек, Бюро билан биргаликда улар пломбланишини таъминлаш; техник шартлар берилишини, сув таъминоти ва сув чиқариш тизимига истеъмолчиларни улаш ишларининг амалга оширилишини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувлиқни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бу Конституциямизда ифодаланган "...барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар", деган қонуннинг ҳаётий тасдиғи бўлди.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассислари томонидан ўтказилган навабтадаги сўров ислоқ йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ҳолати ҳамда тенденциялари, уларнинг ўзгариш суръатига бағишланди. Унинг натижалари шуни кўрсатдики, юртдошларимиз жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамда фуқаролараро тотувлиқни қатъий қўллаб-қувватлайдилар. Ўзбекистонликларнинг мулк кўпчилиги (99,8 фоизи) ушбу фазилатларни юртимизнинг мустақиллиги йилларида эришган энг қимматли бойлиги ва ютуғи, деб билади. Уларнинг фикрича, давлатимиз миллий ҳамда ижтимоий сийсати, халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, раҳмдиллик ва хайрихоҳлик каби азалий хусусиятлар, оддий инсонларга кўрсатиладиган ғамхўрлик, иқтисодий ҳамда ижтимоий-сийсий соҳалардаги барқарор ривожланиш суръатлари жамиятимизда миллатлараро ва фуқаролараро бирдамликни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади. Бу жамиятимизда миллатлараро ҳамда диний бағрикенглик муҳитини яратишга имкон берди.

Тадқиқот иштирокчилари Ўзбекистонни ўз жонажон

(Давоми 3-бетда).

Осойишталик учун курашиш керак

Президентимиз раислигида 15 ноябрь куни мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида кенг таҳлил қилинган масалалар юртимиз ҳар бир фуқаросини чуқур мушоадага ундади. Жумладан, давлатимиз раҳбари ўртага ташилган масалалар, белгилаб берган вазифалар парламент аъзоларига, маҳаллий вакиллик органлари депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Буни муҳбиримиз билан сўхбатда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари алоҳида таъкидлашмоқда.

МУНОСАБАТ

Нодир МУХТОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимиз видеоселектор йиғилишида ҳар бир инсон учун муҳим бўлган масалаларни кўтарди. Дарҳақиқат, ўтган бир йил давомида халқимиз тинч ва осуда ҳаёт кечирганини таъминлашга қаратилган кўплаб эзу ишлар рўйбга чиқарилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ҳамда қарорлари, шунингдек, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Бола-ларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот-

дан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Айни чоғда ҳафтанинг ҳар пайшанба кунига профилактика тадбирлари мунтазам ўтказилиб, муайян натижаларга эришилди. "Хавфсиз шаҳар", "хавфсиз туризм", "хавфсиз дам олиш" концептуал лойиҳалари жорий этилмоқда ва "жамоатчилик назорат масканлари" фаолияти йўлга қўйилди. Қолаверса, 177 мингдан ортиқ видеокузатув мосламалари ўрнатилиши туфайли оғир ҳафта ўта оғир жиноятлар ҳамда ўша оғир жиноятлар ҳуқуқ қилинмоқда. Бундай кенг қўламли чора-тадбирлар ўзининг дастлабки натижаларини бе-

раётир. Хусусан, жорий йилнинг 10 ойи мобайнида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 фоиз, талончилик — 16 фоиз, босқинчилик — 19 фоиз, товламачилик — 22 фоиз, безорилик — 34 фоиз камайди. Шу билан бирга, 1 миң 243 та маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмади, 22 миң 370 та оиланинг нотинчилигига барҳам берилди.

Аммо бугун шуларнинг ўзи билан кифояланиб қолиш, яъни хотиржам тортиш мумкин эмас. Йиғилишда таъкидланганидек, фарибгарлик жинояти камайганга, авллар томо-

нидан жиноят содир этишга барҳам берилмаётгани, оила аъзолари ёки қўни-қўшилар ўртасида оғир жиноятлар содир қилинишига йўл қўйилгани, хусусан, жорий йилнинг дастлабки 10 ойида юз берган қотиллик жиноятининг 165 таси эр-хотин ва қайнона-келин ўртасида, 66 таси қўни-қўшни ўртасида оддий маънавий келиш-мовчиликлар туфайли келиб чиққанлигини ўзиёқ тазлиқ билан ҳал этишимиз зарур бўлган ишлар қўпчилигидан далолат беради.

Бундай ҳолат барчамизни бир қарашда арзимасдек туюладиган, лекин инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим масала, яъни оилаларда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, эр-хотин, ота-она ҳамда фарзандлар, қайнона ва келин ҳамда қўничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига ундайди.

(Давоми 3-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури самаралари



Кейинги пайтда иқтисодий тизимда олиб бориладиган тизимли ислохотлар унинг рақобатдошлигини таъминлаш баробарида, жозибдорлигини ҳам оширмоқда. Айниқса, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича ҳафта татбиқ этиладиган янгиликлар — миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтилгани, тадбиркорлар ҳуқуқларини муҳофаза этиш бўйича Омбудсман институти жорий қилингани, шунингдек, солиқлар сезиларли даражада камайтирилиб, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилгани — буларнинг барчаси чет эллик инвесторларнинг қизиқишини кучайтирмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Натижада хорижий давлатлар билан сармоявий алоқалар тобора мустаҳкамланиб, замонавий қўшма корхоналар ташкил этиляпти. Пировардида ички бозор импорт ўрнини босувчи, экспортбоқ маҳсулотлар билан тўлдириладиган.

Пойтахтимиздаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги



"Nura Energo Jihoz Sanoati" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Сабаби, бу ерда илғор технологиялар асосида энергия тежамкор лампалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, электр энергияга

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА
ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бюронинг мажбурий талабномасига асосан, айрим истеъмолчиларнинг магистрал сув қувурларидан белгиланган тартибда узилишини таъминлаш.

4. 2018 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилсин, унга мувофиқ:

барча гуруҳ истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади;

сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда I гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан, II ва III гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

истеъмолчи сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

2017 йил 1 декабрга қадар мuddатда туман(шаҳар)лар кесимида 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан қарздорлиги мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг шахсий рўйхатини, шу жумладан, истеъмолчи — юридик шахслар билан қарздорликни таққослаш бўйича мавжуд далолатномаларни Бюрога тақдим этсин;

2017 йил 1 декабрга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда туманларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш ва пул маблағларининг ҳаракатини Бюро томонидан мониторинг қилишни таъминловчи, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан тушган маблағларни ягона банк ҳисоб рақамларида жамлаш тизимини жорий этсин;

икки ой мuddатда тегишли функцияларнинг Бюрога ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда, "Сувоқова" ва "Сувсос" давлат унитар корхоналарининг назоратчи штаб бирикмалари қисқартирилишини таъминласин;

бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бюро билан биргаликда Бюро томонидан сув истеъмолчиларидан ундирилмаган пул маблағларидан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ажратилган миқдорларни назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2017 йил 10 декабрга қадар мuddатда истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қондаларига ушбу Фармон талабларини инобатга олган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашда йўқотишларни аниқлаш тартибини тасдиқласин;

2018 йил 1 январга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳамда жорий этишни, шу жумладан, сув тақсимлаш тармоқларида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 январга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сув таъминоти ва сув чиқариш тизими объектларини муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 апрелга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Бюро, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг барча гуруҳ истеъмолчиларини инвентаризация қилиш, шунингдек, истеъмолчилар ҳақида ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларга тузатишлар киритиш билан бир вақтда сув таъминоти ва каналлизация тизими объектларини технологик аудитдан ўтказсин;

2019 йил 1 январга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Бюро, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда водопровод-каналлизация хўжалиги объектлари ва иншоотларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда уларни инвентаризациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой мuddатда водопровод-каналлизация хўжалиги ташкилотларининг рентабеллигини таъминловчи қулай тарифларни белгилаш механизмларини назарда тутган ҳолда, Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тарифларни белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018 йил 1 январдан бошлаб сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун янгиланган тарифларни жорий қилишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда Сув истеъмолчилари — бюджет ташкилотларини замонавий сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари билан bosқичма-bosқич жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда хўжалик-ичимлик сув таъминотини таъминлаш учун ер усти сувлари чиқарилишининг ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой мuddатда мазкур Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ташкилий-штар тузилмаси ва Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича тақлифларни киритсин.

10. Бюро ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг водопровод-каналлизация хўжалиги ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом; Истеъмолчиларни сув қувурлари, водопровод ва каналлизация тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Марказий банк ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда водопровод-каналлизация хўжалиги ташкилотлари фаолиятини:

бошқарув ва назорат тизимининг самарадорлиги, ташкилий-штар тузилмаси ҳамда ходимлар сонининг осослигига;

сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ҳамда хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича амалдаги техник регламентларга;

амалдаги ишлаб чиқариш-техника инфратузилмаси ва қувватларининг ҳолатига;

сув водопровод-каналлизация хўжалиги ташкилотларининг рентабеллиги, замонавий сув ва

энергия тежамкор технологияларни жорий этиш даражасига;

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нарх-навои шакллантириш ва тарифларнинг асослиги, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолатига;

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатишдан келиб тушадиган пул маблағларидан мақсадли фойдаланилганлигига;

дастурлар, инвестиция ва бошқа лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳолати, амалга оширилаётган молиявий қўйилмалар ва жалб этилаётган, биринчи навбатда, хорижий инвестицияларнинг самарадорлигига;

кредит маблағларидан мақсадли фойдаланилишига; молия-хўжалик фаолияти натижалари, дебитор ва кредитор қарздорлик ҳолати, уларни камайтириш бўйича қўрилаётган чораларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда танқидий ўрганиш.

Ўрганиш натижалари бўйича 2018 йил 10 январга қадар мuddатда сув таъминоти ва сув чиқаришни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёш авлодда сувга нисбатан тежамкорона муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бош прокуратураси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, шу жумладан, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш зарурлиги, шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бюро ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “СУВ ТАЪМИНОТИ ВА
СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аҳолига уй-жой коммунал хизмат, жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш сифатини тубдан оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Уй-жой коммунал соҳасини ислох қилиш доирасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу масала сув ресурслари чекланган, сувга талаб ошиб бораётган ва мамлакат аҳолиси сонини ўсиб бораётган шароитда янада долзарб аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда водопровод-каналлизация хўжалигида тўпланиб қолган тизимли муаммо ва камчиликлар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун қарздорликнинг ошиб боришига ва тўлов интизомининг пасайишига сабаб бўлиб, охир-оқибатда тармоқнинг умуман ривожланишидан ортда қолишига олиб келмоқда.

Энг аввало, сўз республика водопровод-каналлизация хўжалигида сувни ишлаб чиқариш, сарфлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги ҳақида бормоқда.

Масалан, бугунги кунда республика бўйича сув олиш иншоотлари, сув қувурлари, водопровод тармоқлари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқаришнинг бошқа объектларида сувни ҳисобга олиш ускуналари билан таъминлаш атиги 29,4 фоизни, истеъмолчиларни қамраб олиш эса 42 фоизни ташкил этади.

Оқибатда, амалиётда сувнинг етказиб берилиши, тўловлар ўтказилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати, шунингдек, истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлиги ҳақидаги маълумотларнинг ишончилиги таъминланмаётган.

Бундан ташқари, уй-жой коммунал соҳасида сув таъминоти корхоналарини, жумладан, менежмент ва дебитор қарздорлик ундирувини ташкил этиш масалаларини бошқаришда самарали тизим мавжуд эмас.

Бунинг оқибатида юзга келган водопровод-каналлизация хўжалиги корхоналарининг зарар билан ишлаши, шунингдек, мазкур корхоналарда катта миқдордаги кредитор ва дебитор қарздорликнинг мавжудлиги уларнинг молиявий аҳолини ички имкониятлар ҳисобидан яхшилаш имконини бермайди.

Водопровод-каналлизация тармоқлари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш объектларининг аксарият қисмининг эскирганлиги, шунингдек, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги ҳам жиддий муаммолардан ҳисобланади.

Хусусан, республиканинг мавжуд водопровод-каналлизация тармоқлари ва сув таъминоти объектларидан қирқ йилдан кўп мuddат давомида фойдаланилмоқда, сув қувурлари ва сув таъминоти тармоқларининг 35 фоиздан ортиғи эса кечиктириб бўлмайдиган таъмирга муҳтож.

Сув таъминоти ва сув чиқариш объектларининг ачинарли аҳоли, айниқса, жойларда сувни истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотишда қўллаб қолмоқда. Бошқа салбий ҳолатларни, узилишларни келтириб чиқараётган, деярли 40 фоизга етётган жиддий йўқотишларга олиб келмоқда.

Водопровод-каналлизация хўжалиги ташкилотларининг етказиб берилган электр энергияси учун юқори даражада қарздорлиги ҳам тармоқнинг ривожланишига салбий таъсир этаётган жиддий муаммолардандир.

Масалан, жорий йил 9 ойда сув таъминоти корхоналарининг электр энергиядан қарздорлиги 43,2 миллиард сўм кўпайиб, 276,1 миллиард сўмни ташкил этган.

Водопровод-каналлизация хўжалиги ташкилотлари ходимлари касбий даражасининг пастлиги, шунингдек, малакали кадрларнинг тизимдан кетиб қолгани, сув таъминоти ва сув чиқариш корхоналари ходимлари ўртасида қўшма ҳисобга олиш ҳолатлари бўйича 47 та жиноят иши кўзга тилган.

Республика аҳолисини сув билан барқарор таъминлашни хавф остига қўйдиган юзга келган вазиятни, шунингдек, уни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш заруратини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати

кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди.

Фармонда республиканинг водопровод-каналлизация хўжалигини бошқариш тизимини, сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштиришни, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустақамлаштириш таъминлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар назарда тутилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) вазифалари доираси кенгайтирилмоқда.

Эндиликда Бюро электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун тўлов интизомини мустақамлаш билан бир вақтда сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида тўловлар ундирилишини таъминлади.

Шу муносабат билан Бюрога: **биринчидан**, сувдан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва каналлизация тармоқларига ўзбошимчилик билан уланмиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

иккинчидан, сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

учинчидан, сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш;

тўртинчидан, сувни сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирок этиш каби қўшимча вазифалар юклатилди.

Юклатилган қўшимча вазифаларни бажариш учун Бюрога илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустақамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сон Фармони 4-бандига мувофиқ тақдим этилган ваколатларнинг барчаси берилмоқда.

Мисол учун, Бюро ходимлари нафақат электр энергияси ва табиий газ, шу билан бирга, сув етказиб берилиши ва

истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда, текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сув учун қарздорлик мавжуд бўлганда ҳам, хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларига уни сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкассо топшириқномалари қўйилади, жисмоний шахсларга нисбатан эса иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш бевуричларга талабномалар юборилади.

Бундан ташқари, Бюро ходимлари сув учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган, Бюро талабномалари ижро этилмаган ҳолларда, шунингдек, тармоққа ноқонуний уланмиш, талон-торож ҳолатлари аниқланганда, истеъмолчиларни сув таъминоти ва сув чиқариш тармоғидан узиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фармоннинг 3-бандида Бюро ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари соҳасида жавобгарлик доираси белгилаб берилган бўлиб, бу мазкур идоралар фаолиятида бир-бирининг ишини қайтариш ва такрорийлик ҳолатларини истисно қилади ҳамда ишониб топширилган фаолият йўналиши учун жавобгарликнинг “йўқолиб кетиши”га йўл қўймайди.

Фармон қабул қилиниши муносабати билан сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибига ҳам жиддий ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб бундай хизматлар учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди. Бунда сув таъминоти ва сув чиқариш тармоғидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улаш истеъмолчилар гуруҳларидан келиб чиқиб улардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки ва ўн баравари миқдоридан тўлов ундириш орқали амалга оширилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш бўйича қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида маъсул вазирлик ва идораларга қатор ташкилий тадбирларни ўтказиш ҳақида топшириқлар берилди.

Фармоннинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, бу эса тармоқнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини соғломлаштириш ва умуман, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИАТИГА КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, муסיқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишни кириш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш.

2. Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуаси павильонлари ҳамда унинг ҳудудида ўрнатилган қўшимча йиғма павильонларда, шунингдек, катта сифимдаги бошқа биноларда, вилоят марказларидаги Олимпия захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сифимдаги биноларида ўтказилишини, тест жараёнининг максимал даражада ошқор ва шаффофлигини таъминлаб, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовларини онлайн режимида кузатиб боришларига имконият яратилишини таъминласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

тест синовлари ўтказиладиган бино ва павильонларни зарур мебеллар (стол, стул, доска ва бошқа зарур воситалар) билан жиҳозлашни;

Давлат тест марказининг ҳудудий вакиллари учун зарур моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланган алоҳида хона ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда катта сифимдаги биноларни тест синовлари жараёнини видеокузатувлар орқали онлайн тизимида кўрсатиб ўтказиш учун зарур моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозлашни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: тест материалларини тайёрлаш ва тест синовлари натижалари ўз вақтида эълон қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат тест марказига замонавий моддий-техник воситалар ва жиҳозлар харид қилиш учун 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин;

Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда) ҳисобига бир ой мuddатда Давлат тест маркази ҳузурида Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасини ташкил этсин. Бунда Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилиши белгилаб қўйилсин:

Давлат тест марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; хорижий давлатларнинг ўқув ва илмий муассасаларида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш; Давлат тест маркази ходимларини моддий рағбатлантириш.

5. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва унинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги республикада амалга оширилиши режалаштирилган "Хавфсиз шаҳар" тизимини яратиш дастури доирасида тест синовлари жараёнини ёритиш мақсадида шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурилмалари, металлодетекторлар, мониторлар ва йиғма павильонларни харид қилсин ҳамда уларни давлат мулки сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилишини таъминласин.

7. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда тест синовларини ўтказиш жараёни ишторқчиларининг масъулиятини янада

ошириш ва уларнинг жавобгарлигини белгилаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Давлат тест марказининг ходимларнинг чекланган сони 150 нафар бўлган янгиланган тузилмасини тасдиқлаш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорини бир ой мuddатда қабул қилсин.

9. Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори М. М. Каримов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 16 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИАТИГА КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Сўнги йилларда олий таълим муассасаларига кириш истагида бўлган абитуриентлар сони кескин ортиб бормоқда. Йилдан-йилга ўсиш ўртача 10 фоизни ташкил этиб, хусусан, 2016 йилда 663 минг, 2017 йилда 729 минг нафардан зиёд абитуриент олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган. Таҳлилларга кўра, 2018 йилда олий таълим муассасаларига 810 мингдан ортиқ абитуриентнинг ҳужжат топшириши kutilмоқда.

Абитуриентлар сонининг кескин ўсиши мос равишда аудитория назоратчилари сонининг ва тест материаллари ҳажмининг ортиб боришига ҳамда тест синовларини ўтказишга салбий таъсир кўрсатиб, қатор муаммоларни юзага келтирган. Жумладан, аудитория назоратчиларининг тест синовларини ўтказиш бўйича етарли амалий кўникмаларга эга эмаслиги ҳамда уларнинг жавобгарлик даражалари аниқ белгиланмагани, тест синовлари учун танланган бино ва аудиторияларнинг жиҳозланиши мавжуд талабларга жавоб бермаслиги, биноларнинг олий таълим муассасалари бош штабидан узоқ масофада ва тарқоқ жойлашгани, биноларнинг шахсни аниқловчи фото ва видео қурилмалари, тест синовларида фойдаланиши ман этилган воситаларни аниқловчи замонавий техник жиҳозлар билан таъминланмагани, аудиторияларда видеокузатув камераларининг мавжуд эмаслиги тест синовларини ўтказиш

жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ва уни назорат қилиш сифатининг тушиб кетишига олиб келган.

Бундан ташқари, тест синовларини ўтказишнинг амалда бўлган тартиби тест натижаларини қисқа мuddатда ҳисоблаб чиқариш имконини бермаган. Юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликлар олий ўқув юрталарига қабул қилиш бўйича ўтказилган тест синовларининг адолатли, ҳолис ва шаффоф ўтказилишини етарли даражада таъминлаш имконини бермаган ва оқибатда абитуриентлар ҳамда уларнинг ота-оналари эътирозларига сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари бакалавриятига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган тест синовларини такомиллаштириш; унинг адолатли, ҳолис ва шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори қабул қилиниши юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларнинг ўз ечимини топиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қарорга кўра, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари

бакалавриятига қабул қилиш бўйича тест синовлари 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказилиши ва тест синовлари натижалари тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши белгиланди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, муסיқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилиш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари бакалавриятига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуаси павильонларида ҳамда унинг ҳудудида қўшимча йиғма павильонлар ўрнатилиб, улардан самарали фойдаланган ҳолда, шунингдек, катта сифимдаги бошқа биноларда, вилоят марказларида эса Олимпия захиралари коллежлари ёки жойлардаги бошқа муассасаларнинг катта сифимдаги биноларида, тест жараёнининг ошқор ва шаффофлигини таъминлаган ҳолда, видеокузатувлар орқали онлайн тизимда жамоатчиликка, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналарига кўрсатиб ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Тест синовларини хавфсиз ўтказиш

ҳамда тест синовлари жараёнида учрайдиган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тест синовлари жараёнини онлайн ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурилмалари, металлодетекторлар, мониторлар ва йиғма павильонлар республикада амалга ошириладиган "Хавфсиз шаҳар" тизими доирасида харид қилиниши ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилишини таъминлаш вазифаси белгиланди.

Шу билан бир қаторда, қарорда Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Адлия вазирликларига бир ой мuddатда тест синовларини ўтказиш жараёни ишторқчиларининг масъулиятини янада ошириш ва уларнинг жавобгарлигини белгилаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш вазифаси топширилди.

Тест синовлари жараёнларини мунтазам ривожлантириб бориш, тест топшириқларининг сифатини ошириш, тестология фани бўйича хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда

уларни амалда татбиқ этиш мақсадида илғор хорижий ўқув ва илмий муассасаларда мутахассислар малакасини доимий ошириб бориш ҳам қарорда ўз аксини топган.

Қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажаришни таъминлаш мақсадида Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда) ҳисобидан Давлат тест маркази ҳузурида Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши ҳам белгилаб қўйилган.

Мазкур жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилиши назарда тутилган:

Давлат тест марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; хорижий давлатларнинг ўқув ва илмий муассасаларида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш;

Давлат тест маркази ходимларини моддий рағбатлантириш.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарорда белгилаб берилган мақсад ва вазифалар олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларининг адолатли, ҳолис ва шаффоф ўтишини таъминлашга хизмат қилади ҳамда олий таълим муассасаларига ўқиш учун биллими, иқтидорли ва муносиб номзодларни танлаб олишга замин яратди.

Осойишталик учун курашиш керак

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шу маънода, давлатимиз раҳбари алоҳида айтиб ўтганидек, ҳар бир фуқаро онгда "Менинг маҳалламда жиноят содир этилмади" деб қўйиб, деган туйғуни шакллантириш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бу борада биз, депутатлар давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда бор куч-ғайратимизни ишга солаемиз.

Расул КУШЕРБАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ёшлар масалалари бўйича комиссия аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар ўртасида содир қилинадиган жиноятчилик ҳолати батафсил муҳокама этилиб, айрим хавотирли рақамлар келтирилдики, бу барчамизни янада хушёрликка ундади. Жумладан, жорий йилнинг 10 ойи давомида ёшларнинг 22 минг нафари жиноятга қўл урган, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари томонидан эса 310 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилинган, айниқса, ташвишланарлиқдир. Тошкент юридик коллежи ўқувчилари дарс вақтида муассаса ҳовлисида ўзаро жанжаллаштириш оқибатида улардан бири вафот этгани, бошқиси оғир жароҳат олгани барчамизни чуқур мушоҳадага қорлаши керак.

Шундан келиб чиқиб, Президентимиз ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада таълим муассасалари ҳамда ички ишлар органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва масъулиятини ошириш мақсадида тегишли вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларига ўқувчи-талабаларнинг дарсдан ташқари вақтларини самарали ўтказишни ташкил қилиш бўйича аниқ чора-

тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, мактабгача ва мактабдаги таълим даврида тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш, мазкур жараёнга малакали кадрларни жалб этиш, ёшлар учун бизнес соҳасига оид адабиётлар яратиш юзасидан аниқ топшириқлар берди. Чунки жиноятнинг асоси кўпинча таълим-тарбияда йўл қўйилган бўлиш билан боғлиқ. Давлат ҳамда жамоат ташкилотлари олдига қўйилган ушбу вазифаларни бажаришда, албатта, Қонунчилик палатасидаги Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳам фаоллик кўрсатади. Биз ўз олдимизга қўйилган устувор вазифалар қатори навброн авлодга яратилаётган шарт-шароит ва берилаётган имтиёزلарнинг жойларда амалга оширилиши аҳоли, таълим-тарбия сифати ҳамда тадбиркорлик йўналишидаги имкониятлардан фойдаланишдаги муаммоларни ўрганиш, ушбу масалаларда масъул шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш орқали мазкур йўналишда самарали парламент назоратини олиб бораемиз. Масалан, яқин кунларда Бухоро вилоятидаги аҳолини ўрганишни режалаштиришимиз. Бу жараёнда бизга Ўртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Комила ҚАРОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ҲХДП фракцияси аъзоси:

— Уйда тинч бўлган инсоннинг кўнгли хотиржам, ишида унум, хонадонда файз-барака бўлади. Айни чоғда оилалардаги тинчлик мамлакат осойишталигини таъминлайди. Юрт тараққий топади, ривожланади. Албатта, оила тинчлиги ҳамда фаровонлиги аҳолининг доимий иши жойига эга бўлиши билан ҳам боғлиқ. Шу боис давлатимиз раҳбари

мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратади. Зеро, ушбу муаммони бар-тараф этимай туриб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қўзланган натижаларга эришиб бўлмайди.

Шу маънода, жиноят содир қилганларнинг 16 мингдан зиёди ёки ҳар тўрттадан биттаси ишисиз экани қайд этилди. Партиямиз ҳам маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ушбу масаланинг ечимини топишга асосий вазифалардан бири сифатида ёндашади.

Мажлисида раҳбарлар маънавияти ҳақида сўз юритиларкан, ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар — у вазир ёки ҳоким бўладими, идора ёки ташкилот бошлиғи бўладими, ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ҳамда намуна бўлиши зарурлиги таъкидланди. Бу қатъий фикрлар партиямиз фаоллари учун ҳам муҳим дастуриламал бўлади.

Йиғилишда билдирилган аниқ ҳақиқатнинг туб муҳитини аҳоли барча қатламга етказишни Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ва партия фаоллари ҳам уларнинг депутатлик ҳамда фуқаролик бурчи, деб билади. Шу мақсадда ҳафтанинг шанба ва яшанба кунлари депутатларимиз ўзлари сайланган округларга бориб, мазкур муаммоларнинг жамоатчилик ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари иштирокида муҳокама қилиш, жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда халқ бирдамлигини таъминлаш йўлидаги ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олди. Уйлабманки, барчамиз бирдам, ҳамнафас бўлсак, ҳар қандай муаммо ечимини албатта топамиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ Ёзиб олди.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Мисол учун, респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (83,4 фоизи) турли миллатлар вакиллари ўртасида низолар пайдо бўлмайди, деб билади. Айни пайтда миллатлараро мулоқот маданиятини ҳамда бошқа миллатларнинг аънавалари ва урф-одатларига нисбатан бағри-кенгликни тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу мақсадда таълим муассасаларида ҳамда миллий маданият марказларида турли тадбирлар ўтказилиши аниқ мuddаодир.

Сўров иштирокчиларининг 80 фоизи жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик муносабатлари келажақда ҳам мустаҳкам сақланиб қолмоқчи ишонди.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий вазият барқарор эканлигини кўрсатади. Мамлакат аҳолисининг миграциявий қайғи-қайғилари ҳам бундан далолат беради. Сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги доимий яшаш учун Ўзбекистондан бошқа мамлакатларга кетишни истамайди (98,5 фоиз).

Маҳаллийлаштириш дастури самаралари

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Нега деганда, уларнинг фойдали иш коэффициентини 5 фоиздан камроқдир. Яъни электр энергиянинг атиги 5 фоизига яқини сарфланади. Қолган қисми эса иссиқлик учун кетади. Ишлаш мuddати ҳам анча кам. Шу боис юртимизда энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 26 майдаги "2017—2021 йилларда қайта тикланувчи энергияни янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқларни ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини дастури тўғрисида"ги қароридан ушбу

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Сўровда, шунингдек, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашда маҳалланинг роли ошиб бораётганлиги аниқланди. Буни респондентларнинг 68,7 фоизи алоҳида қайд эттиган. Юртдошларимизнинг маҳалладаги жамоатчилик тадбирларида фаоллиги ортмоқда.

Таъкидлаш жоизки, респондентларнинг 90 фоиздан зиёди аҳоли билан фаол ҳамда очик мулоқотнинг янги тизими жорий қилинган, давлатимиз раҳбарининг виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилганлигини жамиятимизда миллатлараро ҳамда фуқаролараро тотувлик, тинчлик ва барқарорлиқни таъминловчи муҳим омиллардан, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижалари қатнашчиларнинг 95,1 фоизи мамлакатимизнинг истиқлол йилларида жамиятда тинчлик ҳамда барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик бўйича эришган ютуқларини юқори баҳолашни намоён этди. Президентимизнинг шу йил 19 майдаги Фармонида юртимизда миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар фуқароларимизда кўп миллатли катта оила туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида тайёрланди.

ловчи қисми — колба қулайлиси, "Samsung" компаниясининг яна бир технологиялиқ линияси ёрдамида бир-варакайига 25 та лампочка асосига 10 га яқин ёритиш деталлари ҳамда митти механизмлар ўрнатилди. Эътиборлиси, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи қатъий сифат назоратидадир. Бу эса халқоростандартлар талабига мос ёриткичлар тайёрлашда кўп қўлайлиқ.

Хозирги пайтда "LED" лампочкаларига талаб ортиб бораётгани беҳиз эмас, албатта. Чунки улардан фойдаланиш мuddати 30 минг соатдан ортиқ. Бу чўлғанма лампадан 30 баробар кўп. Яна бир муҳим жиҳати, 9-10 баробар кам энергия сарфлайди. Шу

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Моисса ХАБИБУЛЛАЕВ (3-ў) олсон сурат.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳри мезбонлик қилган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осий ўйинларида мамлакатимиз спорт делегацияси юксак натижага эришди. Ана шу муваффақиятга қорақалпоғистонлик атлетлар ҳам қатор совриндлари билан муносиб ҳисса қўшди.

ЭЪТИБОР

Нукус шаҳридаги янгидан бунёд этилган Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган олий спорт маҳорат мактабида уларни тақдирлашга бағишланган маросим ўтказилди. Тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, мураббийлар, ёшлар қатнашди.

Маросимда сўз олганлар мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, спортчилар ҳамда уларнинг мураббийларини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

V Осий ўйинларида оғир атлетика бўйича куч синанган Рустам Жангабоев даст кўтаришда 199, силтаб кўтаришда 243, иккикураш якунига кўра 442 килограмм натижа кўрсатиб, олтин медаль билан тақдирланди. Бундан ташқари, у Катарнинг Доха шаҳрида уюштирилган Осий кубоги мусобақасида, апрель ойида Туркменистонда бўлиб ўтган Осий чемпионатида ҳам биринчи ўринни эгаллаганди.

Халқаро майдонларда Ўзбекистон номини янада улуглашга муносиб улуш

қўшаётган Рустам Жангабоевга "Nexia" автомобилнинг калити тантанали топширилди.

— Мамлакатимизда биз, спортчилар учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиб берилаётганидан беҳад хурсандимиз, — дейди Р. Жангабоев. — Кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик учун Президентимиздан чексиз миннатдоримиз. Келгусида ҳам юртимиз байrogини баланд кўтаришга астойдил интиламиз.

Шунингдек, V Осий ўйинларида бронза медални қўлга киритган спортчилар — муайтай бўйича Уббиния Турениязов, эркин курашчилар Даулетбика Жақсимуратова ва Севара Ешмуратова, уларнинг мураббийлари Мансур Чашимов, Қутлимурат Жуманов, Дамир Ҳасанов ҳамда Нукусов Данияррога телевизорлар тақдим қилинди.

Ғолиб ва совриндорларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М. Ерниязов табриклаб, совғалар топширди.

Хидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АНЖУМАН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида "Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислom дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади", дея таъкидлаган эди. Ушбу фикрлар Андижонда "Ислom — тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида ўтказилган диний соҳа ходимлари анжуманининг мазмун-моҳиятини ташкил қилди.

Ислom — тинчлик ва эзгулик дини

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамда Тошкент ислом университети ҳамкорлигида уюштирилган мазкур анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятлардаги вакиллари, диний таълим муассасалари раҳбарлари, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида фаолият юритаётган имом-хатиблар, шунингдек, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари диний идоралари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси О. Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У. Алимов, Қирғизистон Республикаси мусулмонлари идораси раиси, муфтий М. Токтамушев, Қозоғистон Республикаси Жанубий Қозоғистон вилояти бош имом-хатиби К. Аҳмаджон ҳамда бошқалар ислом тинчлик, эзгулик ва бағрикенглик дини, бинобарин, унинг софлигини сақлаш муҳим вазифа эканини таъкидлади. Ислom ҳар қандай бузғунчилик ҳамда фитналардан холи

экан, аксинча, бундай кучларга қарши фақат маърифат билан курашиш, мусулмон оламида кечаётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараённинг асл моҳиятини англашти, унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, диний масалаларни ҳал қилишда қўшни давлатлар ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги кайд этилди.

Давлатимиз раҳбари яқинда БМТ шафелигида "Марказий Осий: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференциянинг очилиш маросимида ёшларга илм-маърифатни ўргатиш, уларга динимизнинг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашнинг энг самарали воситаси эканига алоҳида урғу берган эди. Бу имом-хатиблар ҳамда диний ходимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, бугунги тезкор ахборот асрида муқаддас ислом дини зулму зўравонликка ва хуррезликка мутлақо қаршилигини ёш авлод онга синдириши уламолар фаолиятининг узвий қисмидир. Тад-

бир давомида шу хусусдаги масалалар муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, юртимизда муқаддас динимиз софлигини сақлаш, ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улғу алломаларнинг илмий меросини ўрганиш, қадам-қадимлари олоб этиш, янги масжид-мадрасалар барпо қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида "Имом Эшон Муҳаммад", Хоразмда "Охун бобо", Тошкентда "Имом Термизий", "Сузуқ ота" масжидлари тўлиқ қайтадан бунёд этилди, Сурхондарёдаги Имом Термизий зиёратгоҳи, Қашқадарёдаги Абу Муин Насафий мажмуасида ҳам мукаммал қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олоб борилади. Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил қилинди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, пойтахтимизда Ислom цивилизацияси маркази ташкил этилаётгани, ушбу марказ қошида Ислom академияси очилиши белгилангани ана шу йўналишдаги эзгу ишларга ёрқин мисолдир.

Тадбирда "Ўзбекистоннинг халқаро майдонда диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида олоб бораётган сиёсатининг мазмун-моҳияти", "Мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада барқарорлаштиришда диний соҳа ходимлари олдига турган долзарб вазифалар", "Ислom — тинчлик дини", "Миллий тарбиянинг шарқона хусусиятлари", "Диний таълим тизимидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Мазкур йўналишдаги ишларни янада оқори босқичга кўтариш юзасидан фикр алмашилди. Жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш, диний ақидапарастлик ғояларига қарши курашиш, бу борадаги тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Иштирокчиларнинг мавзу доирасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, ислом динини қоралашга уринаётган ёвуз кучлар, уларнинг қабих ишлари юзасидан муносабати қабул қилинди.

Анжуман доирасида Андижон давлат университетиде "Маърифат ва бағрикенглик — тинчлик ва тараққиёт гаровидир" шiori остида экстремизм ҳамда терроризмнинг аянчи оқибатлари акс этган фотосуратлар кўргазмаси ташкил қилинди. Диний соҳа вакилларининг талабалар билан мулоқоти ўтказилди.

Меҳмонлар Андижон шаҳридаги "Девонабой" масжиди, "Мирпўстин ота" зиёратгоҳи, "Боғи Бобур" маданият ва дам олиш масканида бўлиб, амалга оширилган ободонлаштириш ишлари, зиёратчилар ҳамда дам олувчиларга яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2017 йил 20 декабрь

ЭЪЛОН!

соат 10.00 да

ВШ-713 «Зарафшон — Тошкент», Зарафшон томонидан	ВШ-978 «Зомин — Пахтаобод», Зомин томонидан	ВШ-776-ЙТ «Термиз — Қарши», Термиз томонидан
ВШ-748 «Нукус — Урганч», Нукус томонидан	ВШ-1026 «Ургут — Урганч», икки томондан	ВШ-809-ЙТ «Зиёдин — Навоий», икки томондан
ВШ-778 «Пахтаобод — Тошкент», икки томондан	ВШ-1091 «Тошкент — Шеробод», Тошкент томонидан	ВШ-1135-ЙТ «Бекобод — Ширин», Бекобод томонидан
ВШ-788 «Тошкент — Гулистон», икки томондан	ВШ-1138 «Тошкент — Қизилтепа», Тошкент томонидан	ВШ-1151-ЙТ «Тошкент — Фарғона», Тошкент томонидан
ВШ-805 «Самарқанд — Ўсман», Самарқанд томонидан	ВШ-1144 «Навоий — Бургутча», Навоий томонидан	ВШ-1152-ЙТ «Тошкент — Кўкон», Тошкент томонидан
ВШ-879 «Хатирчи — Тошкент», икки томондан	ВШ-1154 «Ховос — Жўйлангар», Ховос томонидан	ВШ-1153-ЙТ «Тошкент — Андижон», Тошкент томонидан
ВШ-945 «Урганч — Шахрисабз», икки томондан	ВШ-1158 «Тўрткўл — Тупроққалъа», Тўрткўл томонидан	ВШ-1157-ЙТ «Нукус — Урганч», икки томондан
ВШ-972 «Дўстлик — Гулистон», икки томондан	ВШ-701Т «Тошкент — Бухоро», икки томондан	ВШ-1159-ЙТ «Бешарик — Тошкент», икки томондан
ВШ-973 «Жиззах — Пахтаобод», Жиззах томонидан		

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади

Очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобил транспортда шаҳарлараро йўловчилар ташитларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларида таъсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер иштирокчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга таъсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулки хатланган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган Шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идоралараро комиссия**.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй.
Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Ипотека-банк» АТИБнинг Чилонзор филиалидаги 2021000900745005054 махсус ҳисоб рақами (банк коди: 00997, СТИР: 202811527, ХХТУТ: 97300)га битта пакет учун 50 минг сўм, 2 та пакет учун 75 минг сўм ва ундан ортик пакет олишни истаса, ҳар бир тендер пакети учун 25 минг сўмдан ўтказиб, 2017 йил 15 декабрь куни соат 18.00 гача буюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим.

Иштирокчи тендерда қатнашишдан бош торганда, у томонидан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди.

Иштирокчи тендер тақлифлари шаклини тўлдиришда, ўз тақлифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўлиқ ва мукаммал ахборот тақдим этишга мажбур.

Даъвогар тақдим қилаётган тендер тақлифлари у томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Йўналишларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан контракт камиде 1 йилга тузилади.

Ташувчи томонидан контрактнинг барча шартига риоя этилган ҳолларда, контрактнинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Идоралараро комиссия тендер тақлифларини 2017 йил 19 декабрь куни соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 241-15-11, 241-18-10.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Хоразм вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, LTD» МЧЖнинг 2017 йил 8 февралдаги 17-сонли буюруғига ва «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, LTD» МЧЖ Urganch филиалининг 2017 йил 19 октябрдаги 151-сонли буюртма-номасига асосан, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 117-уйда жойлашган 3 қаватли бино-иншоотлари, машиий техника ҳамда мебеллари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 188 821 000 сўм.

Бино-иншоотлар ва барча мол-мулклар жамламаси ҳамда уларга тегишли ҳужжатлар билан «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, LTD» МЧЖ Urganch филиалининг маъсूल ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, LTD» МЧЖ Urganch филиалининг манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобононов кўчаси, 8-уй.

Аукцион савдоси 2017 йил 5 декабрь куни соат 11.00 да «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиали аукцион залида бўлиб ўтади.

Мазкур мулклар 2017 йил 5 декабрь куни

сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари жорий йил 12, 19, 26 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабномаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси яқунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилганидан сўнг эълон қилинади.

Аукцион савдоси натижасига кўра, олди-сотди шартномасини тузиш ва у бўйича тўловларни амалга ошириш муддати «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, LTD» МЧЖ Urganch филиали томонидан белгиланади.

Талабгорлар бино-иншоотлар ва барча мол-мулклар жамламаси бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлашлари лозим. «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиалининг «Ипотека-банк» АТИБ «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобононов кўчаси, 23-уй, 1-қavat, 2-кани.
Тел./факс: (0-662) 223-10-86.
Электрон почта: ralsavdo@inbox.uz
Веб-сайт: www.ikms.uz

Хизматлар лицензияланган.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан тақлиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94.

www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсус сертификатланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1145. 74 524 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатдаги маълумотларни қўллаб олуш учун ОИ-қўшни телефоннинг орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайдан ва муаллафга қайтарилмайдан. Реklama материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш тақлилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Вегмуратов томонидан сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишини «Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсूल. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Пабатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Пабатчи — Д. Солиқов. Мусаххих — С. Исломов.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҒЗА яқуни — 23.45 Топширилди — 00.40 1 3 4 5 6